



ИСЛОМГАЧА БЎЛГАН ТУРКИЙ АДАБИЁТДА МАЖОЗИЙЛИК

*Мирзоҳидова Лайло,**СамДУ ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази ўқитувчиси**Калим сўзлар: тош битик, рамз, мажоз, тимсол, туркий адабиёт, илк ёзма адабиёт.*

Туркий халқлар ёзма адабиёти кейинги даврларда юзага келган бўлса-да, унинг оғзаки шакллари жуда қадимги замонларда юзага келган эди. Адабиётшунослигимиз тарихига мажозийлик нуқтаи назаридан ёндашар эканмиз, бу бадиий усул(ифода) дастлаб оғзаки шаклда такомилга етганлигини кўрамиз. Оғзаки адабиётда мажозийликнинг топишмоқ шакли, айниқса, кенг яратилган. Буни биз қадимий манбаларда ва халқ оғзаки ижоди таъсирида юзага келган ёзма асарларда кўришимиз мумкин. Юнон олими Геродотнинг «Тарих» китобида қадимги туркий қавмларнинг ҳаёти, турмуш тарзи ёритилган воқеалар келтирилган бўлиб, шу жараёнда бу халқнинг орзу-истаклари билан боғланган бир неча ривоят ва афсоналар ҳам берилди. Жумладан, Эрон шоҳи Доро скифлар мамлакатига юриш қилганида скифлар ҳукмдори унга совға тариқасида қуш, сичқон, қурбақа ва бешта камон ўқини совға қилиб жўнатган экан. Бу воқеа ўзининг бадиийлик хусусиятига эга бўлиб, унда мажозий фикрлар мужассамлашгандир. Скифлар ҳукмдори Эрон шоҳига жўнатган совғанинг рамзий кўчма маъносини Доро топиши керак эди.

Форслар ҳукмдори мажозий топишмоқнинг жавобини қуйидагича изоҳлайди:

«Скифлар менга ҳокимиятни, ер ҳамда сувини топширмоқчи. Сичқон ерда яшайди, инсондек ернинг маҳсулотидан озикланади. Қурбақа сувда яшайди. Қуш чакқонлиги билан отга ўхшайди, камон ўқларини топширишлари эса скифларнинг бизга қаршилик кўрсатмасликларининг белгисидир».

Доро Скифияга бостириб кирганида унинг қўшини сафида Гобрий исмли доно

киши бор эди. У скифлар жўнатган буюм-топишмоқни қуйидагича изоҳлайди:

«Агар сиз, форслар қушдек осмонга парвоз этмасаларингиз ёки сичқондек ер остига йўқолмасаларингиз ёки қурбақадек ботқоққа сакраб тушмасаларингиз ушбу камон ўқларидан ҳалок бўласизлар, ватанларингизга қайта олмайсизлар».¹³ Мажозий топишмоқнинг ҳақиқий жавоби ҳам шундай бўлган. «Девону луғотит турк»нинг III жилдида келтирилган «Турк ҳокони Шу ва Искандар» ҳақидаги ривоятда ҳам мажозий топишмоқ намунаси келтирилган.

Биз юқорида келтирган Геродотнинг «Тарих» китобидан туркий халқлар ҳаётига оид ривоятдаги мажозий топишмоқ хусусиятига эга шеърий парчалар қадимги туркий халқлар ижодида кенг тарқалган адабий сюжетнинг яхши намуналаридир. Улар ажодларимизнинг бадиий тафаккури шаклланганлигини, фикрларни жозибали ва таъсирчан ифодалашни, уларда образларни кўчма маънода қўллаш олиш маҳорати шаклланганлигини кўрсатади.

Мажозий тасвирнинг илк ёзма шакллари қабрлардаги ёзувлар саналмиш тош битикларда кўрина бошлади. Битиклар фикрнинг кенглиги, лирик тасвирнинг самимийлиги билан бу хотира ёдномаларни юксак маҳорат эгалари битганлигини, улар ўз даврининг истеъдодли шоирлари бўлганлигидан далолат беради. Бу қадимги ёдгорликлар ўз даврида юксак савияда бўлган туркий халқлар адабиётининг бир ўтли парчаси эканлигини тасвирий воситалар ҳам исбот этади. Қабрдаги шеърий ёзувлар катта бир бадиий асар бўлмаса-да, уларда бадиий тасвирлар, биз фикр юритаётган мажозлар

¹³ Геродот. История в девяти книгах. –Л. Наука. Ленинградское отд-е. 1972. С.600.



қўлланилганки, улар қадимги туркий халқ шоирлари катта маҳорат эгаси бўлганлигини ойдинлаштиради. Аввало айтиш керакки, қабрдаги ёзувлар жанр хусусиятига кўра қахрамонликни ифодаловчи қасида ёки олқишга монанд туради.

Қадимги туркий халқлар поэзияси, шунингдек кейинги давр адабиётида ранглар мажозии кўп қўлланилган. Масалан, Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонида етти қаср етти рангда берилиши ҳам мажозийлик белгисидир.¹⁴

Қултегин ёдгорлигида мажозий тасвирнинг, сўз ва сўз бирикмаларида рамзийликка эришишнинг бир неча шакллари мавжуддир. Буни биз қуйидаги таҳлилларда кўриб ўтамиз:

1. Ёдномада «тангри» сўзи икки маънода – тангри, яъни Худо ҳамда осмон маъносида қўлланилган. Бу қадимги туркийлар Худонинг осмонда туришини ҳис қилганлари ҳолда ўз тепаларида кўриниб турган кўм-кўк фалакни, яъни бизнинг ҳозирги тилимиздаги осмонни ҳам тангри деб атаганлар. Қуйидаги парчада бу аниқ сезилади:

Тоғуз ўғуз бодун канту бодуным арти. Тангри йыр булғақын учун йағзы болты. (КТ.56). Тўққиз ўғуз халқи ўз халқим эди, **еру осмон** фитнага тўлгани учун ҳам бизга душман бўлди.

Бу парчадаги тангри худо деб тушуниладиган бўлса, «худо билан ер булғанди» деган мантиқ ҳосил бўлади. Н.Раҳмонов тангри сўзини осмон маъносида тўғри таржима қилган. Еру осмон парчада асл маънода эмас, балки рамзий маънода қўлланилган. Туркий халқлар ўртасида ифвогарлик, фитна, бир-бирига душманлик адовати шу даражада кўпайганки, ҳатто муболаға қилиб айтганда, у ерга ҳам, осмонга ҳам сиғмайди. Еру осмон айтиладиган фикрни бўрттириш, унинг даражасини кучайтириш белгисидир.

¹⁴ Алишер Навоий лирикасида ҳам ранглардан турли хил рамзий маъноларда фойдаланилган. Бу ҳақда қаранг: Ё.Исҳоқов. Навоий поэтикаси. – Тошкент. Фан. 1983. 119-132-б.

Ёдномада «кўз», «қош» яқинлик, тотувликнинг мажозии сифатида берилади. Қултегин вафот этганидан оғир мусибатга тушган Йўллуғ Тегин туркий халқнинг келажакда ҳақида ўйлайди. Келажакда беклар, қариндошлар, ини-жиянлар, фарзандларнинг тақдири қандай бўлиши ҳақида қайғуради. Ёдномада шундай мисралар келтирилган:

Қатығды сақынтым: аки шад улайу уни йиғуним, оғланым, бэғларим бодуным

Кўзи қашы йаблақ болтачы тил сақынтым. (КТ.58)

Қайта қайғурдим. Икки шад, кейинги ини, жияним, ўғилларим, бекларимнинг кўзи, қоши ёмон бўлади деб қайғурдим.

Мисрада келажакдаги халқнинг «кўзу қоши» ёмон бўлишини ўйлаб қайғуриш, улар келажакда тотув бўладими, орасидаги Қултегин яқинлаштирган иноқлик, бирлик йўқолмайдими, деган фикрни беради. Демак, кўз ва қош – яқинлик, иноқликнинг рамзи.

Қадимий ёдномалардан яна бири ҳарбий саркарда Тонюққ отига битилган катта ёзувдир. Туркий халқлар Табғач хоқонлиги кўл остида эзилган даврда Тонюққ Илтериш хоқон билан биргаликда туркий халқларни табғач халқи қарамлигидан қутқаради. Натижада туркий халқларнинг мустақил давлати тузилади. Тонюққ номига битилган ёзувда ҳам Қултегин ёдномасидаги сингари мажозий тасвир ва уларни ҳосил қилувчи воситалардан фойдаланилган.

Бу битикда ҳам осмонни Худонинг рамзи сифатида қабул қилиш, тангри билан турк халқининг тақдирини муштарак сезиш тасвирлари мавжуд. Тангри турк халқи ўз хонини ташлаб, бошқа хонга бўйсунгани учун хафа бўлади, ҳатто ўз хонини ҳимоя қилмаганлиги учун бу халқнинг ўлишига ҳам рози бўлади.

Қонынын қодуб ичикдын, ичидок очун танры олутмыш арынж. (ТБ.85)

Хонингни қолдириб бошқага бўйсундинг, Бўйсунганинг учун тангри ўлдурмиш экан.(ТБ.72)¹⁵.

¹⁵ Ушбу парча И.В.Стеблеванинг «Поэзия тюрков VI-VIII веков» асаридан олинди. Таржима



Парчада тангри ботирликни ҳимоя килувчи, хуш кўрувчи, ҳар бир халқ ўз мамлакатини ҳимоя қилиши, керак бўлса жонини ҳам беришини талаб этувчи, акс ҳолда қўрқоқ халқини, ватанини, ҳоқонини севмайдиганларни жазолашга лойиқ кучнинг тимсоли тарзида намоён бўлган.

Ёдномада Тонюқуқ халқни душманга қарши руҳлантира олувчи саркарда сифатида кўринган. У душманга қарши курашда бирлашиш, бирдам бўлиш кераклигини ўз халқига шундай мажозий тасвир билан тушунтиради:

Йўқа арыклығы топлагали учуз армыс, йинчга арыклығы узгалы учуз. Йўқа қалын болсар торлағулук алп армыс. Йинчга йоган болсар узгулук алп армыс. (ТБ87) Юпқа, ариклик тўплагали осон эрмиш, Ингичка ариклик узгали осон. Юпқа, қалин бўлса, тўплагали алп (керак) эрмиш. Ингичка йўғон бўлса узгали алп (керак) эрмиш. (ТБ.74)

Бу мисраларда мажозийлик халқона шаклда, аниқ нарсалар воситасида берилган. Тонюқуқ туркий халқнинг душмани кучли эканлиги, уни енгиш учун ундан ҳам зиёдроқ куч кераклигини образли тарзда уқтирмакда. Юпқа нарсани тўплаш, ингичка йўғон бўлса уни узиш қийин. Худди шунга ўхшаш душман қалин ва йўғон нарсага ўхшайди. Уни узадиган, яксон қиладиган, енгадиган куч керакдир.

Ёдномада душманнинг кўплиги қушлар галасига, туркий халқнинг улар дастидан қирилиб кетаётганлиги қуш донни териб ейишига рамзий тарзда ўхшатишган. Яъни қуш – душман, туркий халқ – ем образида поэтиклашган.

Йағымыз тэгира учуқ таг арти, биз шаг артымыз. (ТБ.86)

Ёғимиз теграда қушлардек (кўп) эди, биз емдек эдимиз. (ТБ.118)

Бизгача маълум бўлган бошқа ёдномаларда ҳам мажозий тасвирнинг намуналари учрайди. Қоғон отига битилган ёзувда туркий халқ лашкарлари ва душман лашкарларининг кучи ўт ва бўрон ташбеҳи билан кўрсатилган.

Тургис будунуг уда басдым, Тургис қаган суси отча борача калти. Бўлчуда сунгушдимиз. (ТБ.95)

Тургеш ҳоқонни уйқусида босдим. Тургеш ҳоқон кўшини ўтга бўронча келди. Бўлчада уруш қилдик. (ТБ.101)

Парчада ўт туркийлар лашкари, у кучли тарзда тасаввур этилган. Бўрон-Тургеш халқининг лашкари, у ўтга дош бера олмаган, ожиз бир тарзда кўрсатилмоқда.

Юқоридаги таҳлиллардан шу нарса аён бўладики, қадимги туркий халқлар адабиёти жаҳон маданияти тарихининг энг бой саҳифасини ташкил этиб, бу ўз навбатида ўзбек адабиётининг пойдевори ҳисобланади. Туркий халқлар адабиётининг ўқ илдишлари эрамиздан олдинги Марказий Осиё халқлари маданиятидан озикланган. Бу адабиётнинг тарихи, шу кунгача, VI асрдан кейинги даврларда топилган айрим тош битиклардаги парчалардан бошлаб ўрганилиб, унда ўша давр ижтимоий ҳаёти, тарихи, адабиёти ҳақида маълум илмий фикр ва мулоҳазалар юритилган.

Биз таҳлил қилган қадимги ёдномалар туркий халқлар адабиёти тарихи узоқлардан бошланишини кўрсатиш билан бирга туркий халқлар поэзиясида инсон ва унинг хусусиятларини, маданий ҳаётдаги ва ижтимоий турмушдаги ўрнини, рамзий тасвирлашнинг тарихи ҳам қадимийлигини исботлайди.

**Адабиётлар:**

1. Abdurahmonov A. Turkiy adabiyotning qadimgi davri. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2005. – 375 b.
2. Абдурахмонов А. Туркий халқлар адабиёти. – Самарқанд: Самарқанд давлат университети, 2007. – 162 б.
3. Ҳасанов С. Навоийнинг етти тухфаси. – Тошкент: Ғ.Ғулом, 1991. – 192 б.
4. Қуронон Д, Мамажонон З, Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. Қайта нашр. – Тошкент: Академ нашр, 2013. –406 б.
5. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. 1-жилд. (энг қадимги даврдан XIV асргача). Тузувчилар: Насимхон Раҳмонов, Ҳамидулла Болтабоев. – Тошкент: Фан, 2003. – 329 б.
6. Стеблева И.В. Жизнь и литература доисламских тюрков. – Москва: Восточная литература. 1996.

Мирзохидова Л. Символизм в доисламской тюркской литературе. В данной статье рассматриваются тропы, выражаемые с помощью слов и словосочетаний доисламской литературы в надгробных надписях «Урхун Енисей», и анализируются способы образования средств выразительности в тюркской литературе.

Mirzohidova L. Allegoricalness in pre-Islam Turkic literature. The article analyzes the symbolic and figurative images of the words and word combinations of the Turkic people in the preface to the pre-Islamic literature and analyzed the ways in which they were created.